

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАКОВА АЗИЗА ЯДГАРОВНА

**СЕЛ ХАВФИНИ БАҲОЛАШ ВА СЕЛ ОҚИМЛАРИ
МАКСИМАЛ СУВ САРФЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАНЬ КИЧИК ДАРЁЛАРИ МИСОЛИДА)**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Исакова Азиза Ядгаровна

Сел хавфини баҳолаш ва сел оқимлари максимал
сув сарфларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш
(Ғарбий Тянь-Шань кичик дарёлари мисолида).....3

Исакова Азиза Ядгаровна

Усовершенствование методов оценки селевого риска
и расчета максимальных расходов селевых потоков
(на примере малых рек Западного Тянь-Шаня).....21

Isakova Aziza Yadgarovna

Improving the methods for assessing mudflow risk
and calculating the maximum flow rates of mudflows
(on the example of small rivers of the Western Tien Shan).....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАКОВА АЗИЗА ЯДГАРОВНА

**СЕЛ ХАВФИНИ БАҲОЛАШ ВА СЕЛ ОҚИМЛАРИ
МАКСИМАЛ СУВ САРФЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАНЬ КИЧИК ДАРЁЛАРИ МИСОЛИДА)**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси *Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Gr40* рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муродов Шухрат Одилович
техника фанлари доктори, профессор

Хайдаров Сафарбой Абдурашидович
география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

«Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти»
Миллий тадқиқот университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «13» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№ 226 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «26» февраль куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., катта илмий ходим

Х.Т.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда иқлим ўзгариши туфайли хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, жумладан, кучли шамоллар, жала ёмғирлар, улардан ҳосил бўладиган ва инсониятга катта моддий ҳамда маънавий зарар етказадиган сел оқимлари, сув тошқинлари ва бошқалар тобора тез-тез такрорланмоқда. Бу борада БМТ маърузасида “Экстремал табиий ҳодисалар, айниқса, сув тошқинлари билан боғлиқ хатарларнинг бугунги ва келажакда кутилаётган оқибатлари иқлим ўзгаришига мослашиш ва офатлар хавфини камайтириш соҳаларида барқарор ечимларни талаб қилади”¹, деб таъкидланган. Бу ҳолат сел тошқинларининг ҳосил бўлиш механизмларини ўрганиш, ва уларнинг гидрологик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, сел оқимлари хавфини баҳолашга қаратилган кенг қамровли тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини таъкидлаётган эди.

Жаҳонда сел оқимлари, сув тошқинлари, сув босиши каби хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва бошқа табиий офатларни ўрганишга, уларни олдиндан прогнозлаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда, сел тошқинларининг ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайдиган гидрометеорологик шароитлар, хусусан, кучли ва узоқ давом этадиган атмосфера ёғинлари, уларнинг оқибатида келиб чиқадиган сел тошқинларининг шаклланиш жараёнлари кўплаб тадқиқотчиларни ўзига жалб этмоқда. Айни пайтда ушбу муаммоларнинг ечимини излашга, аҳолини хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, хусусан, сел тошқинларидан олдиндан хабардор қилиш тизимини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда кучли шамоллар, жала ёмғирлар ва, улар қаторида, сел тошқинлари каби табиий офатларни олдиндан огоҳлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бу борада муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. “Ўзбекистон-2030 стратегияси”нинг “70. Иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш” мақсадида “Хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисида барвақт огоҳлантиришлар даражасини 100% га, тоғ дарёлари оқими прогнозларининг ишончилиги даражасини 98% га етказиш”² бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш Ўзбекистоннинг тоғ-тоғолди дарёлари сел оқимларини ҳар тарафлама ўрганишни кўзда тутди. Шу туфайли сел оқимлари максимал сарфларини ҳисоблаш, уларнинг инсонлар ҳаёти, аҳоли пунктларига бўладиган хавфини баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалалари муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш

¹ Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов, 2020. Водные ресурсы и изменение климата. www.unesco.org/water/wwap.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон фармони. <https://lex.uz>.

тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сон, 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилларгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон, 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонлари ва 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида сел хавфини баҳолаш ва сел тошқинлари гидрологик кўрсаткичларини, хусусан, сел оқимларининг максимал сарфларини ҳисоблаш масалалари J.R.Allen, A.Barat, J.Bogen, S.Bruk, N.L.Coleman, W.D.Ellison, G.Garbrecht, W.H.Wischmeier, J.M.Jansen, R.B.Painter, B.Morse, V.A.Vanoni, D.E.Walling, D.D.Smith каби чет эллик олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимларидан А.В.Огиевский, Н.Ф.Бефани, М.А.Великанов, Г.А.Алексеев, В.П.Перов, И.В.Боголюбова, С.М.Флейшман, Е.А.Таланов, А.Р.Медеу, Б.С.Степанов ва бошқаларнинг тадқиқотларида турли табиий географик зоналарда жойлашган дарёларнинг сел оқимлари ўрганилган.

Ўзбекистонда сел оқимларини ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотлар Ф.К.Кочерга, Т.М.Мустафакулов, П.М.Машуков, Ю.Б.Виноградов, П.М.Карпов, В.П.Пушкаренко, О.П.Щеглова, Д.Х.Салихова, Р.Г.Вафин, Ю.М.Денисов, Х.А.Исмагилов, В.Е.Чуб, Г.Н.Трофимов, А.Ф.Шахидов, В.А.Ни ва бошқалар томонидан бажарилган. Охириги йилларда мазкур муаммони ўрганиш билан М.Л.Арушанов, А.С.Меркушкин, Ф.Х.Хикматов, А.Х.Туляганов, С.В.Мягков, С.Х.Туляганов, Б.Дж.Салимова, И.В.Дергачева, Б.Ф.Хикматов каби тадқиқотчилар шуғулланмоқдалар.

Бирок, юқорида номлари қайд этилган олимларнинг тадқиқотлари, асосан, тоғ дарёларида сел оқимлари ҳосил бўлишининг табиий-географик шароитларини ўрганишга бағишланган. Мазкур диссертация ишида, юқорида келтирилган изланишлардан фаркли равишда, дарёларда сел хавфини баҳолаш ва сел тошқинлари максимал сарфларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалалари Ғарбий Тянь-Шань кичик дарёлари мисолида кўриб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-236 – “Ўзбекистонда сел тошқинлари, минтақада иқлим ўзгариши натижасида уларнинг ҳалокатлилиги ва такрорланишини прогнозлаш” (2009-2011 йй.), ОТ-Ф6-062 – “Орол денгизи ҳавзасида кечаётган гидрологик ва табиий географик жараёнларнинг айрим қонуниятларини тадқиқ этиш” (2007-2011 йй.) ҳамда ОТ-Ф5-13 – “Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёмғирдан шаклланадиган сел оқимлари хавфини баҳолаш ва уларнинг максимал сарфлари кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалаларини Ғарбий Тянь-Шаннинг кичик дарёлари мисолида кўриб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ғарбий Тянь-Шаннинг кичик дарёлари ва сойларида ҳисобга олинган сел ходисалари ҳақидаги маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва маълумотлар базасини яратиш;

ўрганилаётган ҳудуд дарёлари ҳавзаларида селлар сонининг йиллоро тебраниши ва йил давомида ойлар ҳамда фасллар бўйича тақсимланишини баҳолаш;

сел хавфининг асосий турларини аниқлаш ҳамда сел хавфини баҳолаш, сел оқимларининг максимал сарфларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

сел оқимлари ва сел хавфининг асосий кўрсаткичларини, иқлим илишини ҳисобга олган ҳолда, баҳолаш;

дарёлар ҳавзаларини сел хавфи ва сел оқимларининг такрорланиши бўйича баҳолаш имконини берадиган “Сел тошқинлари” харитасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасининг (Ғарбий Тянь-Шань) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳосил бўладиган кичик тоғ ва тоғолди дарёлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ғарбий Тянь-Шаннинг кичик дарёлари ва сойлари мисолида сел хавфини унинг асосий турлари бўйича баҳолаш ҳамда сел оқимлари максимал сарфлари кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда географик ва картографик умумлаштириш, гидрологик ўхшашлик, замонавий гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар усуллари қўлланилган. Шунингдек, одамлар ҳаёти, аҳоли манзилгоҳлари ва бошқалар учун сел хавфини баҳолаш ҳамда сел оқимларининг максимал сарфларини ҳисоблашда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ўрганилаётган ҳудуд дарёлари ҳавзаларида ҳисобга олинган сел оқимлари сонининг йил давомида тақсимланиши ва йиллараро тебранишлари миқдорий баҳоланган;

инсонлар ҳаёти, аҳоли пунктлари, кўприклар, алоқа тизимлари учун сел хавфининг турлари аниқланиб, сел оқимларининг тезлиги (v , м/с) ва максимал сарфларини (Q_{\max}) ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган;

иқлим илишининг турли сценарийлари асосида сел хавфи ҳамда ёмғир генезисли сел тошқинлари максимал сарфлари кўрсаткичларининг ўзгаришлари баҳоланган;

Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғолди ва тоғ дарёлари ҳавзаларида сел оқимларининг такрорланиши ва сел хавфини баҳолаш имконини берадиган сел тошқинлари харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Тянь-Шаннинг сел хавфи энг катта ва сел оқими катта зарар етказадиган тоғ ва тоғолди дарёлари ҳавзалари аниқланган;

сел оқимларининг сони йил давомида ойлар, мавсумлар бўйича нисбий (%) тақсимоти ҳамда сел оқимларининг такрорланиш эҳтимоли юқори бўлган ойлар аниқланган;

сел хавфининг айрим турлари бўйича сел келтириши мумкин бўлган зарарни баҳолаш усуллари такомиллаштирилган ва уларни камайтириш бўйича тавсиялар берилган;

сел оқимлари эҳтимолий максимал сарфларининг ҳисобланган эҳтимоллик қийматлари асосида дарёларнинг қирғоқ зонасини сув босиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган бўлган зарар баҳоланган;

Ўрганилаётган ҳудуд дарёлари ҳавзаларини сел хавфи, шунингдек, сел оқимларининг такрорланиши бўйича баҳолаш имконини берадиган “Сел тошқинлари. М:1:2000000” харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ва илмий хулосаларининг ишончлилиги, ишда асосий ахборот манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги тасарруфидаги кузатиш тармоқларининг стандарт маълумотларидан фойдаланилганлиги, уларнинг Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ) маълумотлари билан тўлдирилганлиги, тадқиқот жараёнида бирламчи маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришда тармоқ илмий-тадқиқот институтларида синовдан ўтган умумқабул қилинган таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, шунингдек, ишда эришилган натижаларнинг илгари бажарилган тадқиқотлар маълумотлари билан мослиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда эришилган натижалар ва улардан келиб чиқадиган асосий илмий хулосалардан, хусусан, турли генезисли селлар хавфини баҳолаш, шунингдек, кичик дарёлар ҳавзаларида сел оқимлари

максимал сарфларини ҳисоблаш усулларининг келажакда бошқа тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги дарёларда сел хавфини баҳолаш ва сел оқимларининг эҳтимолий максимал сарфларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан селларга қарши гидротехник иншоотларни, шу жумладан, селхоналарни лойиҳалаш, қуриш ва уларнинг ҳозирги кунда мавжудларини оқилона эксплуатация қилишга, шунингдек, инсонлар ҳаётини, аҳоли пунктларини, кўприклар ва бошқа турдаги коммуникация тизимларини кучли ёмғирлар, қор қоплами ва музликларнинг жадал эриши натижасида юзага келиши мумкин бўлган сел оқимлари билан боғлиқ бўлган сел хавфидан муҳофаза қилиш чоратадбирларини ташкил этишга хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга, бу ҳолат, ишнинг натижалари ва материалларининг республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида гидрометеорология соҳаси фанларини ўқитиш сифатини яхшилаш мақсадларига хизмат қилиши билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сел хавфини баҳолаш ва кичик дарёлар сел оқимлари максимал сарфларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалаларининг тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўрганилаётган ҳудуддаги дарёларда қайд этилган селлар сонининг йиллараро тебраниши ҳамда йил давомида ойлар ва фасллар бўйича тақсимланиши кўрсаткичларидан Гидрометеорология хизмати агентлигида турли тўйиниш типларига мансуб бўлган дарёларда кузатилиши мумкин бўлган сел оқимлари максимал сарфларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2023 йил 30 октябрдаги 30-09/50-сон маълумотномаси). Натижада, селлар сонининг турли генезисдаги гуруҳлар бўйича тақсимоти, уларнинг йиллараро тебраниши ҳамда йил давомида ойлар ва фасллар бўйича тақсимланиши ҳақидаги гидрологик маълумотлар базасини тўлдириш имконини берган;

ўрганилаётган ҳудуд дарёларида кузатилиши мумкин бўлган сел тошқинларининг асосий гидрологик кўрсаткичлари – оқим тезлиги (v , м/с), максимал сув сарфи (Q_{\max}) ва бошқаларни ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усулларидан Гидрометеорология хизмати агентлигида ўрганилмаган кичик дарёлар ва сойлар гидрологик кўрсаткичларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2023 йил 30 октябрдаги 30-09/50-сон маълумотномаси). Натижада, сел оқимларининг тезлиги, уларнинг максимал сув сарфлари каби кўрсаткичлари расмий маълумотномаларига аниқлик киритиш имконияти яратилган;

Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғолди ва тоғ дарёлари ҳавзаларида сел оқимларининг тақрорланиши ва сел хавфини баҳолаш натижаларидан

“Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида Ўзбекистон Миллий Атласининг “Ер усти сувлари” бўлимидан ўрин олган “Сел оқимлари. М: 1:2000000” картасининг легендаларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 мартдаги 08-02389-сон маълумотномаси). Натижада сел хавфи юқори бўлган мавсум, унда сел тошқинлари энг кўп такрорланадиган ойларни тезкор аниқлаш ва шу асосда сел тошқинлари зарарини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар режаларига аниқлик киритиш имкониятлари яратилган;

иклим илишининг турли сценарийлари асосида сел хавфи ҳамда ёмғир генезисли сел тошқинлари максимал сарфлари кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолаш натижаларидан “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида Ўзбекистон Миллий Атласининг “Ер усти сувлари” бўлимидан ўрин олган “Сел оқимлари. М: 1:2000000” картасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 мартдаги 08-02389-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу картадан фойдаланиб, кутилаётган сел тошқинлари хавфи ҳақида олдиндан огоҳлантириш тизимини такомиллаштириш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 13 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзуининг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Ғарбий Тянь-Шаннинг кичик дарёлари хавзаларида ҳосил бўлган сел оқимлари ҳақида умумий**

маълумот” деб номланади. Диссертациянинг ушбу бобида сел оқимларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати кўрсатилган ва сел оқимларининг асосий тушунчалари кўриб чиқилган, ўрганилаётган ҳудуд дарёлари ҳавзаларида сел оқимлари ҳосил бўлиши шароитларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган, сел оқимларининг кўп йиллик тебранишлари ва улар сонининг йил давомида ойлар ва фасллар бўйича тақсимланиши баҳоланган.

Диссертацияда хорижий олимлар J.R.Allen, N.L.Coleman, W.D.Ellison, W.H.Wischmeier, J.M.Jansen и R.V.Painter, V.A.Vanoni ҳамда собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимлари А.В.Огиевский, Н.Ф.Бефани, М.А.Великанов, Г.А.Алексеев, И.В.Боголюбова, С.М.Флейшман, В.П.Перов, Ф.К.Кочерга, Ю.Б.Виноградов, В.П.Пушкаренко, О.П.Шчеглова, Д.К.Салихова, Р.Г.Вафин, Ю.М.Денисов, В.Э.Чуб, Г.Н.Трофимов, А.Ф.Шахидов, В.А.Ни, А.Х.Туляганов, С.В.Мягков, Б.Дж.Салимова, И.В.Дергачева ва бошқалар томонидан олиб борилган фундаментал тадқиқотлар натижалари асосида, тоғ-тоғолди ҳудудларининг жадал суръатларда ўзлаштирилиши сабабли, сел оқимларининг тоғ кўчкилари, сурилмалар, қор кўчкилари ва бошқалар билан бир қаторда, инсонлар ва уларнинг фаолият объектлари учун катта хавф туғдираётганлиги таъкидланган.

Сел оқимларининг ўзига хос асосий хусусиятлари шундаки, улар деярли тўсатдан шаклланиб, қисқа вақт ичида кўприклар, йўллар, сув олиш иншоотлари, гидроэлектростанцияларни бузади, дарёлар лойқа оқизикларини каналларга тўплайди, қишлоқ хўжалиги экин майдонларига ётқизади, уйларни бузади ва кўпинча одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади. Ўзгидромет маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида умумий сел фаол майдони 53770 км² бўлган 700 дан ортиқ сел фаол дарёлар қайд этилган, бу республика ҳудудининг қарийб 12 фоизини ташкил этади.


Сел ходисаларини ўрганишда ягона илмий терминологиядан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли тадқиқотда селшуносликнинг асосий тушунчалари ўрганилиб, уларга тегишли таърифлар берилган.

Тадқиқотда ўрганилаётган ҳудудда кузатиладиган сел ходисаларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари қайд этилган: 1) сел оқимларининг эрозион (ўзан ҳосил қилувчи) фаолияти ва вайрон қилиш кўлами жуда катта бўлиб, кўпинча одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади; 2) кичик дарёлар сонининг кўплиги, уларда сел оқимлари такрорланишининг юқорилиги, ҳавзаларида аҳолининг зич жойлашганлиги, объектларнинг ёмон ҳимояланганлиги; 3) кучли ёмғир муз қобиғи эгаллаган қор қоплами юзасига тушади, натижада ёмғир сувлари деярли ҳеч қандай йўқотишсиз дарёлар ўзанига қуйилиши учун тўла шароит яратилади; 4) ёғингарчиликнинг йиллик режимига мувофиқ Ғарбий Тянь-Шаннинг кичик дарёлар ва сойларида сел оқимлари йил давомида бир неча марта кузатилиши мумкин; 5) ёмғир ҳисобига минтақадаги бир нечта қўшни кичик дарёлар ва сойларда сел оқимлари бир вақтда кузатилади; 6) сел оқимлари кўпинча қўшни давлатлар ҳудудида ҳосил бўлади ва улардан Ўзбекистон ҳудудига зарар етказилади.

Ҳисобга олинган сел оқимлари сонининг йиллараро ўзгариши ва йил давомида тақсимланиши баҳоланган. Бу масалани ўрганишда бирламчи

маълумотларнинг асосий манбалари сифатида “Селевая летопись...”, ва кейинчалик унинг П.М.Машуков ишларида тақдим этилган умумлашмаси, “Каталог селеопасных рек Казахстана, Средней Азии”, А.С.Меркушкин ва Ю.А.Плотницкаянинг “Обзор селевой активности на территории Узбекистана”, шунингдек В.Е.Чуб, Г.Н.Трофимов ва А.С.Меркушкинларнинг “Селевые потоки Узбекистана” монографияси ва бошқалардан фойдаланилган.

Сел хавфи даражасини баҳолашда сел хавфи катта бўлган даврни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга сел оқимларининг йил давомида тақсимланишини баҳолаш натижалари имкон берган. В.Е.Чуб ва унинг ҳаммуаллифлари ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг материаллари таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда сел оқимлари январдан ноябргача кузатилади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистоннинг кичик дарёларида сел оқимлари сонининг йил давомида тақсимланиши (фоизда)

График В.Е.Чуб, Г.Н.Трофимов, А.С.Меркушкин материаллари асосида чизилган.

Тадқиқотда энг кўп сел оқимларининг май ойида, энг кўп (92,3%) такрорланиши эса апрель-июль, яъни кучли ёмғирлар ёғадиган ва, айни пайтда, тоғларда қор қоплами жадал эрийдиган даврда кузатилиши аниқланган.

Диссертациянинг “Сел хавфи ва уларни баҳолаш усуллари **такомиллаштириш**” мавзусидаги **иккинчи бобида** дастлаб экстремал табиий ҳодисалар, табиий офатлар ва сел хавфи кўриб чиқилган. Сўнг сел хавфининг асосий турлари ҳақида маълумотлар берилган, уларни ўрганиш ва баҳолаш усуллари баён қилинган. Алоҳида инсонлар ҳаёти, аҳоли пунктлари, йўллар, кўприклар ва бошқа турдаги алоқа тизимлари учун сел хавфини баҳолаш ишлари амалга оширилган.

Турли муаллифлар томонидан берилган талқинларни ҳисобга олган ҳолда, “экстремал табиий ҳодисалар”, “табиий офатлар”, “сел хавфи” ва бошқа хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тушунчаларига таърифлар берилган. Уларнинг характерли хусусияти шундаки, улар табиатда тўсатдан юзага

келади. Ишда турли манбаларда келтирилган маълумотларнинг таҳлиллари асосида, сув тошқинлари, жумладан, сел оқимлари хавфининг улуши глобал табиий офатларнинг қарийб 40 фоизини ташкил қилиши қайд этилган.

Диссертацияда ўрганилаётган ҳудуд учун хос бўлган сел хавфининг куйидаги турлари кўриб чиқилган: 1) инсонлар ҳаёти ва соғлиғи учун; 2) турар-жой, ишлаб чиқариш ва хўжалик бинолари учун; 3) автомобиль кўприклари ва сув олиш иншоотлари учун; 4) алоқа тизимлари учун (йўллар, электр узатиш линиялари, сув ва газ қувурлари, каналлар ва бошқалар); 5) қишлоқ хўжалиги ерлари учун.

Жаҳон амалиётида табиий офатлар, шу жумладан сел оқимлари хавфи, одатда, одамлар учун хатар, зарар ёки ўлим эҳтимоли сифатида қабул қилинади. Хавф миқдорий жиҳатдан куйидаги кўринишларда ифодаланadi: йўқотишлар, фоизли нисбатларда; пулда ифодаланган қийматларда; ҳодиса келтирган потенциал қурбонлар сони бўйича. Эҳтимоллар назариясида ҳар қандай хавф даражаси куйидаги ифода билан аниқланади:

$$R = H \cdot v, \quad (1)$$

бу ерда: R - хавф даражаси; H - хавф сел оқимларига нисбатан, маълум вақт оралиғида, маълум бир ҳудудда содир бўлган ҳодисанинг эҳтимоли; v - заифлик, ўрганилаётган объектга нисбатан даражада ифодаланган зарар миқдори.

Диссертацияда ўрганилаётган ҳудуднинг энг узун кузатишлар қаторига эга бўлган дарёлари учун ҳавзанинг ўртача баландлигига (Z , км) боғлиқ ҳолда, 100 йил давомида бир сел оқимининг такрорланишини [$P_{100}(1)$, %] ҳисоблаш имконини берадиган боғланиш олинган:

$$P_{100}(1) = -0,17 \cdot Z^2 + 0,54 \cdot Z - 0,26. \quad (2)$$

Инсонлар ҳаёти ва аҳоли пунктлари учун сел хавфини баҳолаш куйидаги кетма-кетликда амалга оширилган: 1) ўрганилаётган ҳудуднинг гипсографик эгри чизиғи асосида баландлик зоналари бўйича майдон улушини ҳисоблаш; 2) аҳоли пунктларининг умумий сонини ва дарё водийсининг ўзан қисмидаги аҳоли пунктларининг сонини ҳисоблаш; 3) битта аҳоли пунктига мос келадиган ўртача аҳоли сонини ҳисоблаш; 4) баланд тоғли зоналар аҳолиси сонини (умумий ва дарё ўзанига яқин қисмида) ҳисоблаш; 5) дарё ўзанига яқин жойда яшовчи аҳоли улушини ҳисоблаш; 6) хавфларни йилига битта сел оқимининг такрорланиши билан шу баландлик зонасидаги аҳоли улуши кўпайтмаси сифатида ҳисоблаш; 7) турли баландлик зоналарида сел оқимлари пайдо бўлганда, уларнинг эҳтимолий қурбонлари сонини ҳисоблаш.

Турли баландлик зоналарида ҳосил бўлган сел оқимларининг инсон ҳаёти учун хавфини ҳисоблаш Г.Н.Трофимов томонидан Ўзбекистоннинг кичик тоғ-тоғолди дарёлари учун таклиф қилинган ифодаси бўйича амалга оширилди:

$$R_{сел} = 0,12 \cdot e^{-2,41 \cdot Z} \cdot 5,11 \cdot Z^{1,93}, \quad (3)$$

бу ерда: $R_{сел}$ - сел хавфи, бирликка нисбатан улушда; Z - ўрганилаётган баландлик зонасининг ўртача баландлиги (км).

Аҳоли пунктлари учун сел хавфини ҳисоблашда, тадқиқотда, қуйидаги ифодадан фойдаланилган:

$$R_{н.п.} = 0,043 \cdot e^{-1,43 \cdot Z} \cdot 6,75 \cdot Z^{0,73}, \quad (4)$$

бу ерда: $R_{н.п.}$ – аҳоли пунктлари учун сел хавфи; Z - жойнинг баландлиги (км).

Юқоридаги (4) ифодадан фойдаланган ҳолда бажарилган ҳисоблашлар натижаларининг кўрсатишича, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларининг қуйи зоналарида, яъни уларнинг сел оқимлари ташланадиган тоғолди текисликларида 100 йил давомида 21-22 аҳоли пункти турли даражада зарар кўриши мумкин. Бошқача айтганда, 5 йил давомида, сел оқими таъсирида тахминан 1 аҳоли пункти вайрон бўлиши мумкин.

Сел хавфини баҳолаш ишлари Тошкент-Бурчмулла кўрғони автомагистралдаги Оқсоқотасой дарёси устидан ўтувчи кўприк мисолида олиб борилди. Таъкидлаш лозимки, мазкур кўприк лойиҳачилари томонидан ҳисобланган максимал сув сарфи $350 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этган. Сув сарфининг бу қиймати, бизнинг кўприк тўсинларининг мумкин бўлган сув босиши ва бузилишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашларимизда $487 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этган. Кўришиб турибдики, биз ҳисоблаган максимал сув сарфи, 1% таъминланишдаги максимал сув сарфига нисбатан 1,4 марта каттадир.

Ишда сел хавфи автомобиль йўллари учун ҳам баҳоланди. Бу жараёнда дарёларнинг паст террасалари ва ҳаттоки қайирларидан ўтадиган автомобиль йўллариининг сел оқими таъсирида бузилиши ҳолатлари ҳам ҳисобга олинган.

Диссертациянинг **учинчи боби “Сел оқимларининг максимал сарфларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш”** деб номланади. Ушбу бобда, биринчи навбатда, сел оқимларининг максимал сарфини ҳисоблаш муаммосининг ҳозирги ҳолати муҳокама қилинган. Сўнг максимал сарфларни амалда кузатилган маълумотлар асосида ҳисоблаш усуллари кўриб чиқилган. Шу ўринда, максимал сарфларининг аналитик тақсимот функцияларига ва эмпирик тақсимланишига алоҳида эътибор берилган. Бобнинг якуний қисмида асосий эътибор сел оқимлари максимал сарфларини кузатув маълумотлари мавжуд бўлмаганда ҳисоблаш масалаларига қаратилган. Сел оқимлари максимал сарфларини дарё ўзанларида юқори сув сатҳларининг излари асосида ва уларни белгиловчи омилларга қараб ҳисоблаш усуллари тақлиф этилган.

Ёмғирларнинг кузатилган маълумотлари асосида аниқланган параметрларидан фойдаланиб, максимал сув сарфлари ҳисоблаб чиқилган. Ҳисоблашларнинг тўғрилиги қаторнинг давомийлиги (n) ва ўзгарувчанлик коэффицентининг ҳисобланган қийматлари (C_v) асосида баҳоланган. Ўрганилаётган ҳавза дарёларида кузатиш йиллари сони 10 йилдан ортиқ бўлса, ҳисоблашларнинг ўртача хатолиги 25,4% ни, уларнинг тебранишлари диапазони эса 8,3% дан 43,5% гача ораликни ташкил этган.

Марказий Осиё дарёлари учун Ю.М.Денисов тавсиясига кўра, максимал сув сарфларини ҳисоблаш хатолиги 20-25% дан ошмаслиги керак. Максимал сув сарфини ҳисоблаш хатолигини 20% га тенг деб, керакли йиллар сони n ни

Ўзгарувчанлик коэффиценти C_v га боғлиқ ҳолда аниқлаш имконини берадиган ифода олинди:

$$n = 20,1 \cdot C_v^{1,57}. \quad (5)$$

Ўрганилаётган дарёлар учун аниқланган C_v нинг қийматлари 0,82 (Оқтошсой) дан 3,20 (Шаугазсой) гача оралиқда ўзгарган. Ушбу рақамлар Оқтошсой учун 15 йил, Шаугазсой учун эса 125 йил талаб қилинишини кўрсатган. Сел оқимларининг максимал сарфларини ҳисоблаш учун шу каби статистик кўрсаткичлар бошқа дарёлар учун ҳам аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Сел оқимлари қаторларининг статистик кўрсаткичлари ва 1 фоизли таъминланишдаги максимал сув сарфлари

| Т.р. | Кичик дарёлар | Статистик кўрсаткичлар | | | | | 1% таъминланишли максимал сув сарфлари, м ³ /с | | |
|--------------------------------------|---------------|------------------------|-------------------------------------|-------|-------|-----------|---|-----------------|-----------------------------------|
| | | n* | \bar{Q}_{max} , м ³ /с | C_v | C_s | C_s/C_v | m/n | (m-0,3)/(n+0,4) | $m(n-\lambda^2)/(n(n+\lambda^2))$ |
| Сел оқими максималларисиз | | | | | | | | | |
| 1 | Оқтошсой | 54/15 | 7,08 | 0,82 | 1,54 | 1,87 | 29,0 | 25,6 | 26,4 |
| 2 | Олтинбелсой | 29/29 | 10,3 | 1,25 | 2,09 | 1,68 | 81,2 | 69,5 | 78,6 |
| 3 | Қоранкўлсой | 37/44 | 3,40 | 1,64 | 3,44 | 2,10 | 40,2 | 34,2 | 42,0 |
| 4 | Паркентсой | 21/18 | 23,4 | 0,92 | 2,64 | 2,86 | 100 | 157 | 140 |
| 5 | Шаугазсой | 53/125 | 7,46 | 3,20 | 6,61 | 2,07 | 251 | 194 | 119 |
| Сел оқимлари максимал сарфлари билан | | | | | | | | | |
| 1 | Оқтошсой | 54/22 | 7,90 | 1,04 | 3,00 | 2,87 | 64,4 | 53,7 | 53,6 |
| 2 | Олтинбелсой | 33/28 | 14,1 | 1,22 | 1,73 | 1,42 | 99,2 | 86,0 | 96,4 |
| 3 | Қоранкўлсой | 40/46 | 5,30 | 1,68 | 2,56 | 1,53 | 52,1 | 45,5 | 49,5 |
| 4 | Паркентсой | 29/25 | 58,0 | 1,14 | 1,53 | 1,34 | 368 | 320 | 359 |
| 5 | Шаугазсой | 53/182 | 9,38 | 4,00 | 7,00 | 1,75 | 407 | 310 | 155 |

*суратда – амалда кузатилган йиллар сони, махражда - 20% хатолик билан ҳисоблаш учун зарур бўлган йиллар сони.

Диссертацияда максимал сув сарфлари ва сел оқимларини ҳисоблаш усулларини ривожлантириш масалалари ретроспектив таҳлил қилинган. Хусусан, максимал сув сарфларини ҳисоблашнинг муҳандис Кестлин, А.Ф.Николаи, Б.А.Риппас, Ф.Г.Зброжек, Г.Д.Дубелир, Г.И.Тарловский, А.В.Огиевский, В.И.Мокляк, Д.Л.Соколовский, К.П.Воскресенский, Г.А.Алексеев ва бошқалар томонидан таклиф қилинган ифодалари кўриб чиқилган. Шунингдек, А.В.Огиевский, Г.А.Алексеев, Ю.М.Денисов, В.М.Денисов, Ю.Б.Виноградов, Д.Х.Салихова, А.Ф.Шахидов, А.Х.Туляганов, Б.Д.Салимова ва бошқалар томонидан текислик ва тоғ дарёларида ёмғир тошқинларидан ҳосил бўлган максимал сув сарфларини ҳисоблаш учун тавсия этилган ифодаларга алоҳида эътибор берилган.

Диссертацияда илгари Ю.Б.Виноградов, М.А.Мамедов, Г.Н.Трофимов ва бошқалар томонидан максимал сув сарфларининг эмпирик таъминланишини ҳисоблашнинг турли муаллифлар томонидан таклиф қилинган ифодаларидан фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилганлиги таъкидланган. Худди шу каби ҳисоблашлар ишда Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси

кичик дарёлари мисолида амалга оширилган (2-жадвал).

2-жадвал

Сел оқимларининг кузатилган маълумотлар асосида ҳисобланган
1% таъминланишдаги максимал сув сарфлари, м³/с

| Т.р. | Кичик дарёлар | Ҳисоблаш ифодалари | | | | | | | | $\bar{Q}_{1\%}$ |
|-------------------------------------|---------------|--------------------|------|------|------|------|------|------|------|-----------------|
| | | 1* | 2 | 3 | 4 | 5 | 5 | 7 | 8 | |
| Максимал сув сарфлари ($Q_{1\%}$) | | | | | | | | | | |
| 1 | Оқтошсой | 24,6 | 24,5 | 23,9 | 23,7 | 23,5 | 24,2 | 24,6 | 26,6 | 24,4 |
| 2 | Олтинбелсой | 81,2 | 80,4 | 69,5 | 65,9 | 62,3 | 48,2 | 78,5 | 188 | 84,2 |
| 3 | Қоранкўлсой | 43,2 | 42,8 | 36,1 | 33,8 | 31,6 | 18,5 | 42,6 | 114 | 45,3 |
| 4 | Паркентсой | 440 | 435 | 363 | 339 | 314 | 105 | 343 | 1073 | 426 |
| 5 | Шаугазсой | 222 | 220 | 180 | 166 | 152 | 91,2 | 120 | 740 | 236 |
| Сел оқимларининг максимал сарфлари | | | | | | | | | | |
| 1 | Оқтошсой | 58,6 | 58,3 | 50,9 | 48,3 | 45,8 | 31,8 | 155 | 51,5 | 62,5 |
| 2 | Олтинбелсой | 102 | 101 | 88 | 84 | 102 | 62 | 228 | 99 | 108 |
| 3 | Қоранкўлсой | 49,6 | 49,3 | 44,3 | 42,6 | 40,9 | 30,0 | 102 | 48,7 | 51,0 |
| 4 | Паркентсой | 372 | 368 | 328 | 314 | 300 | 271 | 693 | 363 | 376 |
| 5 | Шаугазсой | 355 | 351 | 351 | 261 | 238 | 127 | 938 | 159 | 347 |

*1 – эмпирик эҳтимоллик бўйича ҳисоблаш, 2 – А.Хазен, 3 - Н.Н.Чегодаев, 4 - С.Н.Крицкий-М.Ф.Менкель, 5 - Е.Г.Блохинов, 6 - Д.Коуден, 7 – М.А.Мамедов, 8 – Г.Н.Трофимов ифодалари; $Q_{1\%}$ - таъминланиши 1% бўлган максимал сув сарфлари ва сел оқимларининг ўртача қиймати.

Кузатув маълумотлари мавжуд бўлмаганда, сел оқимларининг максимал сарфлари ҳисобланган. Бунда дарёлар ўзанларидаги юқори сув сатҳи белгилари асосида ҳисобланган гидравлик кўрсаткичлардан фойдаланилган. Хусусан, ҳисоблашларда нишаблик (i), чуқурлик (h), кўндаланг кесим юзаси (ω), намланган периметр (χ), гидравлик радиус (R), ўзан туби ғадир-будирлиги (n) ва бошқа кўрсаткичлар маълумотларидан фойдаланилган. Оқим тезлиги (ϑ_{\max}) А.Шези ифодаси бўйича, сув ва сел оқимларининг максимал сарфлари (Q_{\max}) эса оқим тезлиги (ϑ_{\max}) ва кўндаланг кесим юзаси (ω_{\max}) кўпайтмаси сифатида ҳисобланган.

Ёғингарчиликнинг статистик кўрсаткичлари ва жой баландлиги ўртасидаги боғлиқликларни баҳолаш амалга оширилди. Хусусан, 1 мм дан ортиқ қатламдаги ёмғирнинг ўртача сони (m_1), Ю.Б.Виноградов тавсия этган ассиметрия параметри (n_H), 0,1; 1 ва 10% таъминланишдаги ёмғир қатламлари ($N_{0,1\%}$, $N_{1\%}$, N_{10}) нинг баландликка боғлиқлиги аниқланди. Чирчиқ дарёси ҳавзаси, Чирчиқ ва Оҳангарон оралиғи ҳамда Оҳангарон дарёси ҳавзалари учун қуйидаги умумий кўринишга эга бўлган алоҳида-алоҳида аналитик ифодалар олинган:

$$y = a \cdot Z^2 + b \cdot Z + c, \quad (6)$$

бу ерда: y - ёмғирнинг тегишли квантили (m_1 , n_H , $N_{0,1\%}$, $N_{1\%}$, N_{10}); Z – метеорологик пунктнинг баландлиги, км; a , b , c - боғланиш параметрлари, уларнинг қийматлари диссертацияда махсус жадвалда келтирилган.

Ушбу регрессия тенгламаси ёмғир тошқинларининг максимал сарфини ҳисоблашда зарур бўлган кунлик ёғингарчилик миқдорининг зарур параметрларини аниқлашга имкон беради.

Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасининг кичик паст тоғ дарёлари сел

оқимларининг максимал сарфлари ҳисобланган. Ҳисоблашлар Ю.Б.Виноградов, А.Ф.Шахидов, В.М.Денисов ва Курилиш меъёрлари қоидалари – ҚМҚ-2.01.14-98 ифодалари ёрдамида амалга оширилган. Муаллиф томонидан бажарилган ҳисоблашлар ушбу ифодалар натижалари билан таққосланган (3-жадвал).

3-жадвал

Ёмғир келиб чиқишли 1% таъминланишдаги сел тошқинлари максимал сарфларини турли ифодаларда ҳисоблаш натижалари, м³/с

| Т.р. | Кичик дарёлар | Ҳисоблаш ифодалари | | | | | Муаллиф бўйича |
|------|---------------|--------------------|------|------|------|-----------------|----------------|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | \bar{Q}_{max} | |
| 1 | Оқтошсой | 38,4 | 37,2 | 30,7 | 30,8 | 34,2 | 24,6 |
| 2 | Олтинбелсой | 70,7 | 50,4 | 65,8 | 60,6 | 61,8 | 53,3 |
| 3 | Қоранкўлсой | 28,2 | 34,1 | 24,3 | 23,1 | 27,4 | 22,4 |
| 4 | Паркентсой | 153 | 61,6 | 148 | 157 | 129,9 | 180 |
